

**АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.04/30.12.2019.Tib.95.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

КАРАБОЕВ БЕКЗОДБЕК БАХОДИРОВИЧ

**ГАСТРОДУОДЕНАЛ ҚОН КЕТИШЛАРИДА ЭНДОСКОПИК
ГЕМОСТАЗ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.27 – Хирургия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

АНДИЖОН – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor philosophy (PhD)

Карабоев Бекзодбек Баходирович

Гастродуоденал кон кетишларида эндоскопик гемостаз
технологияларини такомиллаштириш..... 3

Карабоев Бекзодбек Баходирович

Совершенствование технологии эндоскопического гемостаза при
гастродуоденальных кровотечениях..... 21

Karaboev Bekzodbek Bakhodirovich

Improving the technology of endoscopic hemostasis in case of
gastroduodenal bleeding..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 43

**АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.04/30.12.2019.Tib.95.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

КАРАБОЕВ БЕКЗОДБЕК БАХОДИРОВИЧ

**ГАСТРОДУОДЕНАЛ ҚОН КЕТИШЛАРИДА ЭНДОСКОПИК
ГЕМОСТАЗ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.27 – Хирургия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

АНДИЖОН – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.2.PhD/Tib1971 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Андижон давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.adti.uz) ва «Ziynet» ахборот таълим портали (www.ziynet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Хакимов Дилшодбек Мамадалиевич
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Ботиров Акрам Кодиралиевич
тиббиёт фанлари доктори

Маткулиев Ўткир Исмаилович
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Андижон давлат тиббиёт институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.04/30.12.2019.Tib.95.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «11» сентябр соат 13⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 170100, Андижон шаҳри, Ю.Отабеков кўчаси, 1-уй; Тел/факс: (+998) 74-223-94-50; e-mail: info@adti.uz).

Диссертация билан Андижон давлат тиббиёт институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (9-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 170100, Андижон шаҳри, Ю.Отабеков кўчаси, 1-уй; Тел/факс: (+998) 74-223-94-50.

Диссертация автореферати 2022 йил «03» сентябр да тарқатилди.
(2022 йил «03» 01 даги 9 рақамли реестр баённомаси).



М.М. Мадазимов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, тиббиёт фанлари доктори, доцент

М.Ф. Нишанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Н.С. Мамасолиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра «ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак яраси дунёда энг кенг тарқалган касалликлардан бири бўлиб, умумий аҳоли сонининг ўртача 5-10 фоизда кузатилади»¹. Сўнгги ўн йилликда бу касалликни даволашда маълум ютуқларга эришилди, бироқ ҳатто “касалланишнинг кескин камайишига қарамай, касалхонага ётқизиш ва ундан кутилаётган ўлим ва турли асоратлар яра касаллиги кузатилаётган беморларнинг 10-20% да учраб турибди. Барча гастродуоденал асоратлар орасида бугунги кунда энг кенг тарқалгани қон кетиш ҳисобланиб, ҳар йилги умумий аҳоли ўртасида 0,02 дан 0,06% гача, 30 кунлик ўлим кўрсаткичи 8,6% гача ўзгариб туради»². Бу тоифадаги беморларни даволашда жаррох, гастроэнтеролог ва реаниматолог каби турли мутахассислар иштирок этиб, ўз навбатида асосий диагностика устуворлиги эндоскопик хизматга берилади. Айнан эндоскопик аралашув нафақат яра этиологияли қон кетишни диагностикасини, балки аксарият ҳолатларда уни даволашнинг бирламчи усули ҳисобланади. «Ҳозирги даврда эндоскопик аралашувлар кимёвий, механик ва физик усулларда гемостазнинг турли усуллари бажариш имконини беради. У ёки бу усулни танлаш эндоскопия мутахассиси тажрибаси, ихтисослаштирилган мосламаларни билан таъминланганлик каби омилларга боғлиқ»³. Бироқ, бу кам инвазив технологияларнинг барча афзалликлари билан гемостаз усулини танлаш ва геморрагик синдром қайталанишини олдини олиш унинг қиёсий самарадорлиги тўғрисидаги масаланинг долзарблигини сақлайди, бу йўналишда янги методларни ишлаб чиқиш билан тадқиқотларни давом эттириш ҳамда эндоскопик даволаш натижаларини яхшилаш учун уларни комбинациясини қўллашга сабаб бўлади.

Жаҳон амалиётида ҳозирги вақтда цитопротекция, реэпителизация, неоваскуляризация ва ангиогенез жараёнларини бевосита яхшилашни таъминловчи озуқа полифеноллари ҳамда бошқа субстратларнинг ҳимоя ва терапевтик потенциалига ўзига хос таъсир қилиш хусусиятларини ўрганиш, ошқозон ичак йўлларида эрозив-яра жараёнлари ривожланишининг этиопатогенетик томонларини аниқлаш бўйича олиб борилаётган тадқиқотлар энг долзарб бўлиб қолмоқда. Простагландинлар, антиангиоген омиллар ва тўқима ўсиш омиллари ҳолатларининг ўзгариши, шунингдек эндотелиал NO-синтез яра жараёнининг тузалиши ва кечиши, шиллиқ қават оксидланишли шикастланиши, антиоксидант, антацид ва антисекретор фаолликнинг кучайиши, шиллиқ қаватнинг эндоген ҳимоя агентларининг ошиши ва *Helicobacter pylori* колонизациясининг блокланиши бўйича тадқиқотларга алоҳида қизиқиш уйғотмоқда.

¹Lanas A, Chan FKL. Peptic ulcer disease. Lancet. 2017; 390:613–624. doi: 10.1016/S0140-6736(16)32404-7.

²Leow AH, Lim YY, Liew WC, Goh KL. Time trends in upper gastrointestinal diseases and *Helicobacter pylori* infection in a multiracial Asian population--a 20-year experience over three time periods. Aliment Pharmacol Ther. 2016;43:831–837.

³Tarasconi A, Coccolini F, Biffi WL, et al. Perforated and bleeding peptic ulcer: WSES guidelines. World J Emerg Surg. 2020;15:3. Published 2020 Jan 7. doi:10.1186/s13017-019-0283-9.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизими ривожланишининг замонавий босқичида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва кўрсатилаётган тиббий ёрдам кўламини сезиларли даражада кенгайтиришга йўналтирилган кўплаб чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу йўналишда, жумладан, гастродуоденал қон кетишни даволаш натижаларини яхшилашда ижобий натижаларга эришилди. Шу билан бирга, кўрсатилаётган ёрдам сифатини яхшилаш учун ушбу тоифадаги беморларда эндоскопик гемостаз усулларини такомиллаштириш ва қўлланилган даволаш усули самарадорлигини баҳолаш бўйича илмий асосланган натижалар талаб қилинади. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида аҳолининг заиф тоифаларининг тўлақонли ҳаёт кечиришини таъминлаш мақсадида тиббий-ижтимоий ёрдам тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш вазифалари белгиланган⁴. Ушбу вазифаларни амалга ошириш, шу жумладан янги биомослашувчан имплантдан фойдаланиш орқали гастродуоденал қон кетишларда эндоскопик гемостаз натижаларини яхшилаш долзарб йўналишлардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021-йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ва 2018 йил 26 январдаги ПҚ-3494-сон «Шошилинч тез тиббий ёрдам тизимини янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорлари, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Сўнгги йилларда ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак яраси касалланиш кўрсаткичи камайишига қарамай, унинг қон кетиш, перфорация ва пилорик халқа стенози кўринишидаги асратлари замонавий соғлиқни сақлашнинг долзарб муаммоси бўлиб қолмоқда. Ушбу асратлар Америка Қўшма Штатларида ҳар йили деярли 150000 госпитализациянинг сабаби ҳисобланади (Kempenich J.W., Sirinek K.R., 2018)⁵. Ўз навбатида, айнан қон кетиш яра касаллигининг кенг тарқалган асрати ҳисобланиб, 100000 аҳолига 19-57 ҳолатни ташкил қилади. Таққослаш учун яра перфорацияси 100000 аҳолига 4-14 ҳолатда ривожланади (Lau JY ва

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

⁵ Kempenich J.W., Sirinek K.R. AcidPepticDisease. Surg. Clin. North Am. 2018 Oct;98(5):933-944.

бошқ., 2011)⁶. Lolle I ва ҳаммуал. маълумотларига кўра (2016), Данияда перспектив ва кетма кетликда маълумотлар йиғиш билан ўтказилган умуммиллий когорт тадқиқотда кўрсатилишича, ярадан қон кетиш натижасидаги ўлим кўрсаткичи 30 кун мобайнида 10,2% ни ташкил қилса, 90 кунлик кузатиш даврида, бу кўрсаткич 15,3% га етади, бунда ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак ярасини даволаш натижаларида фарқ кузатилмади⁷. Африкада гастродуоденал яра асоратларини хирургик даволашга бағишланган бошқа тизимли шарҳ ва мета-таҳлилда, Peiffer S. ва ҳаммуал. (2020) ҳабар беришича, барча ташрихлар структурасида қон кетиши (9%) сабаб сифатида перфорация (41%) ва пилорик халқа стенозидан (22%) сўнг учинчи ўринда туради, шу ўринда, ташрихдан кейинги ўлим кўрсаткичи барча таҳлил қилинган тадқиқотлар бўйича ўртача 6,6% ни ташкил қилган бўлса, 2000 йилдан кейин нашр қилинган маълумотлар бўйича эса, бу кўрсаткичнинг 9,7% га ортганлиги аниқланган⁸.

Гастродуоденал қон кетишларини ташхислаш ва даволашнинг биринчи катори сифатида эндоскопик технологиялар устивор аҳамияга эга. Ҳозирги даврда қон кетиш манбасига таъсир қилиш учун физик хусусиятлари ва таъсир механизми бўйича фарқ қилувчи турли усуллар қўлланилади: термик (электрокоагуляция, аргон-плазмали коагуляция, лазерли фотокоагуляция ва бошқ.); инъекцион (адреналин спирт, склерозантлар); елимли қопламалар (цианакрилатлар, тромбин, фибрин елими) ва механик (клипса қўйиш, боғлаш)^{9,10}. Barkun A.N. ва бошқ. олиб борган мета-таҳлилда кўрсатилишича, фармакотерапия билан солиштирилганда, эндоскопик аралашувлар такрорий қон кетиш хавфини камайтиришга ёрдам беради¹¹. Fujishiro M. ва бошқ. шарҳида гемостазнинг турли эндоскопик усуллари самарадорлиги берилган. Рандомирланган тадқиқотларда гемостазнинг дастлабки кўрсаткичлари 90% ни ташкил қилиб, рецидив қон кетиш 2-10% ни ташкил қилган. Истисно тариқасида, адреналин инъекциясида рецидив қон кетиш 12-30% ни ташкил этган. Тадқиқот натижалари бўйича муаллифлар турли усуллар комбинациясини қўллашни тавсия қилади, масалан, инъекцион ва механик¹². Эндоскопик гемостазнинг бошқа усули турли гемостатик кукун ва полимер елимли субстанцияларни қўллаш ҳисобланиб, уларни қўллаш техник

⁶Lau JY, Sung J, Hill C, Henderson C, Howden CW, Metz DC. Systematic review of the epidemiology of complicated peptic ulcer disease: incidence, recurrence, risk factors and mortality. *Digestion*. 2011;84(2):102-13.

⁷Lolle I, Møller MH, Rosenstock SJ. Association between ulcer site and outcome in complicated peptic ulcer disease: a Danish nationwide cohort study. *Scand J Gastroenterol*. 2016;51(10):1165-1171.

⁸Peiffer S, Pelton M, Keeney L, et al. Risk factors of perioperative mortality from complicated peptic ulcer disease in Africa: systematic review and meta-analysis. *BMJ Open Gastroenterol*. 2020;7(1):e000350. Published 2020 Feb 17. doi:10.1136/bmjgast-2019-000350.

⁹Hagel AF, Albrecht H, Nägel A, Vitali F, Vetter M, Dauth C, Neurath MF, Raithel M. The Application of Hemospray in Gastrointestinal Bleeding during Emergency Endoscopy. *Gastroenterol Res Pract*. 2017;2017:3083481.

¹⁰Prei JC, Barmeyer C, Bürgel N et al. EndoClot Polysaccharide Hemostatic System in Nonvariceal Gastrointestinal Bleeding: Results of a Prospective Multicenter Observational Pilot Study. *J ClinGastroenterol*. 2016;50:e95–e100.

¹¹Barkun AN, Martel M, Toubouti Y, Rahme E, Bardou M. Endoscopic hemostasis in peptic ulcer bleeding for patients with high-risk lesions: a series of meta-analyses. *GastrointestEndosc*. 2009 Apr; 69(4):786-99.

¹²Fujishiro M, Iguchi M, Kakushima N, et al. Guidelines for endoscopic management of non-variceal upper gastrointestinal bleeding. *Dig Endosc*. 2016;28(4):363-378.

жиҳатдан оддийлиги ва хавфсизлиги билан тавсифланади^{13,14}. Бироқ, Vitali F ва ҳаммуалл. маълумотларига кўра, уларни яра касаллигида якка ҳолда қўллаш бирламчи гемостазни фақатгина 80% ҳолатда таъминлаган, шу билан бирга кузатувнинг 30-кунда рецидив қон кетиш 34% ни ташкил қилган.¹⁵ Қон кетишини тўхтатишни турли усуллари кўплиги, қатор ҳолатларда уларнинг натижавийлиги юқори эмаслиги янги гемостатик материалларни клиник амалиётга татбиқ этишни инобатга олган ҳолда эндоскопик усуллар самарадорлигини ошириш нуқтаи назаридан тадқиқотларни давом эттириш заруриятини белгилайди.

Адабиётлар таҳлили шундан далолат берадики, ҳозирги даврда яра этиологияли гастродуоденал қон кетишларни эндоскопик даволаш натижаларини яхшилаш замонавий соғлиқни сақлашнинг долзарб ва яқуний ҳал қилинмаган муаммоларидан бирига киради. Шу муносабат билан, тажрибавий шароитларда муваффақиятли синовдан ўтган «Гепроцел» субстанцияси асосида ишлаб чиқарилган маҳаллий биомослашувчан имплантатдан фойдаланган ҳолда эндоскопик гемостаз усулини такомиллаштириш зарурати туғилади, бу эса эндоскопик аралашувлар комплексини мақбуллаштиришга ва қон кетиши билан асоратланган ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак яра касаллигини даволаш натижаларини яхшилашга имкон беради.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Андижон давлат тиббиёт институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ 002200-сон «Гастродуоденал қон кетишларида эндоскопик гемостаз технологияларини такомиллаштириш» мавзуси доирасида бажарилган (2019-2021 й.).

Тадқиқотнинг мақсади яра этиологияли гастродуоденал қон кетишларида янги маҳаллий биомослашувчан имплантатдан фойдаланиш йўли билан эндоскопик гемостаз натижаларини яхшилашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак шиллиқ қаватларидаги эрозив ва ярали жараёнларни эндоскопик даволаш усулини такомиллаштириш;

экспериментал равишда шакллантирилган сурункали пилородуоденал яра моделининг юзасига аппликация қилинган "Гепроцел" полимер материалининг гемостатик ва адгезив самарасини ўрганиш;

яра этиологияли гастродуоденал қон кетишлари мавжуд бўлган беморларда тавсия этилган эндоскопик даволаш усулининг гемостатик самарадорлигини баҳолаш;

¹³ Park JC, Kim YJ, Kim EH, Lee J, Yang HS, Kim EH, Hahn KY, Shin SK, Lee SK, Lee YC. Effectiveness of the polysaccharide hemostatic powder in non-variceal upper gastrointestinal bleeding: Using propensity score matching. J GastroenterolHepatol. 2018;33:1500–1506.

¹⁴ Haddara S, Jacques J, Lecleire S et al. A novel hemostatic powder for upper gastrointestinal bleeding: a multicenter study (the "GRAPHE" registry) Endoscopy. 2016;48:1084–1095.

¹⁵ Vitali F, Naegel A, Atreya R, et al. Comparison of Hemospray® and Endoclot™ for the treatment of gastrointestinal bleeding. World J Gastroenterol. 2019;25(13):1592-1602.

эндоскопик гемостазнинг даволовчи ва профилактик клиник аҳамиятини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2018-2020 йилларда Республика шошилиш тиббий ёрдам илмий маркази Андижон филиалининг 1 ва 2-шошилиш хирургия бўлимларида стационар шароитда даволанган, яра этиологияли гастродуоденал қон кетиш кузатилган 557 нафар беморлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети янги маҳаллий биомослашувчан имплантни қўллаш билан такомиллаштирилган усулни клиник амалиётга жорий этиш асосида яра этиологияли гастродуоденал қон кетиш кузатилган беморларни комплекс эндоскопик текшириш ва даволаш натижаларини таҳлил қилишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда умумклиник, биокимёвий, инструментал, эндоскопик, экспериментал ва статистик текширув усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

маҳаллий «Гепроцел» композит полимер материалидан фойдаланган ҳолда геморрагик синдром билан асоратланган ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак шиллиқ қаватидаги эрозив ва ярали жараёнларни эндоскопик даволаш усули такомиллаштирилган;

сурункали пилородуоденал яранинг экспериментал шакллантирилган модели юзасига аппликация қилинган «Гепроцел» субстанцияси асосида ишлаб чиқилган имплантнинг физик-кимёвий хусусиятлари *in vivo* шароитида аниқланган;

тажрибада ошқозон ва ўн икки бармоқли ичакдаги ярали эрозив нуқсонга аппликация қилинган «Гепроцел» полимер материалининг гемостатик ва адгезив таъсири сифатининг намоён бўлиш хусусиятларига аниқлик киритилган;

гемостатик таъсир, геморрагия қайталаниши хавфи ва репаратив хусусиятларни баҳолаш билан гастродуоденал қон кетишларда таклиф этилган «Гепроцел» полимер материалини эндоскопик аппликация қилиш усулини қўллашнинг клиник афзалликлари очиқ берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

«Гепроцел» субстанцияси асосида ишлаб чиқилган маҳаллий полимер материални қўллаш билан гастродуоденал қон кетишларни даволаш самарадорлигини яхшилашга имкон берувчи эндоскопик гемостаз ўтказиш усули таклиф қилинган;

тажрибада «Гепроцел» композицион полимер материалини шиллиқ қаватларга кислотали муҳит шароитларида аппликация қилиш, унинг адгезив хусусияти сифатини пасайишига олиб келмаслиги ва яхши гемостатик самарани таъминлашга имкон бериши аниқланган;

сурункали пилородуоденал яраларнинг экспериментал шакллантирилган модели соҳасидаги шиллиқ қаватга «Гепроцел» полимер материалини қўллаш хавфсизлиги асосланган ва тажриба ҳайвонлари организмига токсик, қўзғатувчи ва аллергия таъсир кўрсатмаслиги исботланган;

гастродуоденал ярали қон кетишларда таклиф этилган эндоскопик гемостаз усули, устки қатлам ҳосил қилувчи полимернинг узок давом этувчи ҳимоя хусусияти ҳисобига геморрагик синдром қайталаниш хавфини, оператив даволаш заруратини ишончли равишда камайтиришга ва репаратив жараёнларни яхшиланишини таъминлашга имкон бериши исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Олинган натижаларнинг ишончилиги беморлар ҳолатини баҳолашнинг объектив мезонлари, замонавий ташхисот ва даволаш усулларида фойдаланилганлиги, услубий ёндашувлар ҳамда статистик таҳлил жамланмаларининг тўғри қўлланилганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, олинган ҳулосалар ва берилган тавсиялар назарий аҳамиятга эга бўлиб, янги маҳаллий биомослашувчан имплантни қўллаш, *in vivo* шароитида унинг физик-кимёвий хусусиятларини экспериментал аниқлаш ва самарадорлигини клиник асослаш билан эндоскопик гемостаз усулини такомиллаштириш орқали яра этиологияли гастродуоденал қон кетишларини даволаш учун эндоскопик технологияларни ривожлантиришга муҳим ҳисса қўшиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти гастродуоденал ярали қон кетишларда таклиф этилган эндоскопик гемостаз усули, устки қатлам ҳосил қилувчи полимернинг экспериментал хирургия шароитида ва проспектив клиник тадқиқотларда исботланган узок давом этувчи ҳимоя хусусияти ҳисобига геморрагик синдром қайталаниш хавфини, оператив даволаш заруратини ишончли равишда камайтиришга ва репаратив жараёнларни яхшиланишини таъминлашга имкон бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Яра этиологияли гастродуоденал қон кетиш кузатилган беморларни эндоскопик даволаш натижаларини яхшилаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

гастродуоденал қон кетишларида эндоскопик гемостаз технологияларини такомиллаштириш бўйича илмий тадқиқотнинг натижалари асосида ишлаб чиқилган «Гастродуоденал қон кетишларида эндоскопик гемостаз технологияларини такомиллаштириш» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 22 декабрдаги 08-09/20343 сонли ҳулосаси). Таклиф этилган тавсиялар яра этиологияли гастродуоденал қон кетишларини эндоскопик даволашга тактик-техник ёндашувларни мақбуллаштиришга имкон берган;

«Гастродуоденал қон кетишларида эндоскопик гемостаз технологиясини мукамаллаштириш» усули такомиллаштирилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 22 декабрдаги 08-09/20343 сонли ҳулосаси). Яра этиологияли гастродуоденал қон кетишни эндоскопик даволашнинг тавсия этилган усули янги маҳаллий полимерни қўллаш йўли билан эндоскопик гемостаз натижаларини яхшилашга имкон берган;

яра этиологияли гастродуоденал қон кетишларини эндоскопик даволаш сифатини яхшилаш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлашнинг амалий фаолиятига, жумладан, Республика шошилиш тиббий ёрдам илмий

маркази Андижон филиалининг 1 ва 2- хирургия бўлимларига, Андижон давлат тиббиёт институти клиникасининг 3-хирургия бўлимига, Андижон вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказининг хирургия бўлимига ҳамда Республика шошилиш тиббий ёрдам илмий маркази Наманган филиалининг хирургия бўлимларига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 22 декабрдаги 08-09/20343 сонли хулосаси). Жорий этиш натижалари геморрагик синдром қайталанишини 9,0% дан 1,9% га, оператив даволаш заруратини 6,6% дан 1,1% га қисқартиришга ва ўлим кўрсаткичини 1,7% дан 0,7% га камайтиришга имкон берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 8 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 3 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 2 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хотима, хулосалар, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш қисмида** диссертация ишининг долзарблиги асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, тадқиқот натижаларининг илмий янгилиги ва илмий-амалий аҳамияти ёритилган, тадқиқот натижаларининг апробацияси ва чоп этилган илмий ишлар, диссертациянинг ҳажми ва таркиби тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи **«Гастродуоденал қон кетишни даволашда замонавий ёндашувлар ва муаммолар»** деб номланган бобида эрозив-ярали гастродуоденал қон кетишнинг тавсифланиши ва генетик жиҳатлари, шунингдек ҳал қилинишини талаб қилувчи долзарб масалалар таҳлили билан ошқозон-ичакдан қон кетишида гемостазнинг эндоскопик усуллари ва уларнинг самарадорлиги ёритилган адабиётлар шарҳи берилган.

Диссертациянинг **«Беморларнинг клиник тавсифи ва тадқиқотда қўлланилган усуллар»** деб номланган иккинчи бобида тадқиқотда ўрганилган йўналишлар ёритилган. Ишнинг асосида Республика шошилиш тиббий ёрдам илмий маркази Андижон филиалида 2018-2020 йилларда ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак яра касаллиги асорати қон кетиш даволанган 557 беморнинг даволаниш натижалари баён қилинган. Гуруҳларнинг шаклланиши проспектив назорат тадқиқотларини олиб бориш талабларига мувофиқ амалга оширилган. Бунинг учун беморларни саралашда иккита асосий ва назорат гуруҳларига ажратилган.

Назорат гуруҳини 290 нафар бемор ташкил қилган. Уларнинг 48 нафарида актив қон кетишда гемостазнинг эндоскопик методикаси (0,1% адреналин гидрохлорид эритмаси ёки 70° этил спирти эритмаси) бажарилган. Қолган 242 нафар беморда эндоскопик йўл билан қон кетиш тўхтаганлиги аниқланиб (Forrest II a, b, c), консерватив даволаш олиб борилган.

Асосий гуруҳни 267 нафар бемор ташкил қилган. Уларнинг 46 нафарида актив қон кетишда гемостазнинг эндоскопик усули (0,1% адреналин гидрохлорид эритмаси ёки 70° этил спирти эритмаси) га қўшимча равишда «Гепроцел» маҳаллий пленка ҳосил қилувчи гемостатик полимер моддаси билан аппликация қилинган. Бу яра нуқсони юзасига аппликация қилиш учун эндоскопик канал орқали махсус етказиб бериш ускунаси орқали препаратни назорат орқали сепиш билан амалга оширилди. Асосий гуруҳнинг 221 нафар беморида эндоскопик йўл билан қон кетиш тўхтаганлиги аниқланиб (Forrest a b), унга консерватив даволаш билан биргаликда «Гепроцел» пленка ҳосил қилувчи гемостатик полимер аппликацияси эндоскопик қўлланилган (назорат гуруҳидан фарқли) (1-жадвал).

1-жадвал

Қон кетиш билан асоратланган яра касалликларини беморларни даволаш турига кўра гуруҳларга тақсимланиши

| Даволаш | Асосий гуруҳ | | Назорат гуруҳи | | Жами | |
|-------------------------|--------------|-------|----------------|-------|------|-------|
| | абс. | % | абс. | % | абс. | % |
| Эндогемостаз | 0 | 0,0% | 48 | 16,6% | 48 | 8,6% |
| Консерватив | 0 | 0,0% | 242 | 83,4% | 242 | 43,4% |
| Эндогемостаз+аппликация | 46 | 17,2% | 0 | 0,0% | 46 | 8,3% |
| Эндоаппликация | 221 | 82,8% | 0 | 0,0% | 221 | 39,7% |
| Жами | 267 | 100% | 290 | 100% | 557 | 100% |

Яраларнинг жойлашишига кўра беморлар қуйидагича тақсимланди. Асосий гуруҳда 188 беморда яра ўн икки бармоқли ичакда жойлашган, уларнинг 32 нафарида актив қон кетиш ва 156 нафарида қон кетиш тўхтаган; назорат гуруҳида 218 бемор (36 ва 182 беморлар мос ҳолда). Ошқозоннинг антрал соҳасида асосий гуруҳдаги 79 беморда (уларнинг 14 нафарида актив қон кетиш ва 65 нафарида қон кетиш тўхтаган); назорат гуруҳида 72 беморда жойлашган (мос ҳолда 12 ва 60 беморлар). Аксарият ҳолатларда асосий гуруҳда 202 (75,7%) ва назорат гуруҳида 229 нафар (79%) эркалар касалхонага ётқизилган. Ҳар иккала гуруҳда ҳам беморларнинг 80 фоизи 25-60 ёшда бўлган.

Forrest (1974) таснифи бўйича актив қон кетиш кузатилган беморлар тақсимланиши 2-жадвалда берилган.

Тадқиқотда объектив истиқболли назорат олиб бориш учун таққосланаётган гуруҳлар асосий кўрсаткичлар: бемор ёши, жинси, қон кетиш манбаи ва оғирлиги бўйича таққосланиб тақсимланди. Консерватив даво усули гуруҳларда фарқланмади, барча беморлар ярага қарши стандарт асосида даволанди.

**Қон кетиш кузатилган беморларни
Forrest (1974) таснифи бўйича тақсимланиши**

| Forrest таснифи бўйича қон кетиш фаоллиги | Беморлар гуруҳи | | | |
|--|-----------------|-------|---------|-------|
| | Асосий | | Назорат | |
| | абс. | % | абс. | % |
| I-A | 11 | 4,1% | 11 | 3,8% |
| I-B | 28 | 10,5% | 30 | 10,3% |
| II-A | 55 | 20,6% | 58 | 20,0% |
| II-B | 76 | 28,5% | 86 | 29,7% |
| II-C | 85 | 31,8% | 91 | 31,4% |
| III | 12 | 4,5% | 14 | 4,8% |
| Жами: | 267 | 100% | 290 | 100% |

Диссертациянинг «Клиника ва экспериментда гастродуоденал қон кетишда эндоскопик гемостазнинг техник жиҳатлари ва оригинал усулини ишлаб чиқиш» деб номланган учинчи бобида маҳаллий «Гепроцел» препаратини қўллаш орқали такомиллаштирилган усул ёритилган. Ўткир гастродуоденал қон кетишнинг экспериментал моделини яратиш учун 170-190 г вазнли эркак каламушлардан фойдаланилган. Ташрихдан 12 соат олдин ҳайвонларга овқат берилмади. Яра ҳолати экспериментда баҳолаш яра шаклланишидан кейинги 3-куни ўтказилди. Қон кетишни тўхтатиш абразив материални қўллаш билан амалга оширилди. Назорат гуруҳига 4 та лаборатор ҳайвонлар киритилган бўлиб, гемостаз ярага стерилланган салфеткани босиш орқали олиб борилган. Бу гуруҳда 123-230 сонияда гемостазга эришилган, 10 дақиқа мобайнида кузатилганжа такрорий қон кетиш битта ҳолатда кузатилган. Тажриба гуруҳида (5 та) гемостаз «Гепроцел» гемостатик кукун сепилганидан кейин $53 \pm 2,1$ сонияда кузатилган. 10 дақиқа мобайнида кузатилганидан кейин қон кетишнинг қайталаниши кузатилмади. (1-расм). Кейинчалик қон ивиш омилларини фаоллашуви яра юзасида фибрин пленка шаклланишига олиб келди (2-расм).




**1-расм. «Гепроцел»
қўлланилгандан кейин қон
кетишни тўхтатиш**



**2-расм. Яра юзасида фибрин
пленка шаклланиши**

Навбатдаги кузатишлар шуни кўринадик, ташрихдан кейин 1 ва 3 соат ўтгач имплант эрозив-ярали нуқсон юзасида оқ қараш каби сақланиб жароҳат юзасига маҳкам ёпишганлини аниқланди. Қон кетиш белгилари кузатилмади. Шундай қилиб, олиб борилган тадқиқот натижасига кўра, «Гепроцел» кукуни кислотали муҳитда гемостатик хусусиятни кучайтириш қобилиятига эга бўлиб, яра нуқсонига маҳкам ёпишади, қон кетишни фаол тўхтатади.

Ўткир гастродуоденал қон кетишда эндоскопик гемостазнинг оригинал усулини ишлаб чиқиш. Таклиф этилган усулнинг вазифаси керакли моддани мавжудлиги, нархининг арзонлиги, амалга оширишни соддалиги ошқозон ва ўн икки бармоқли ичакнинг эрозив ярали шикастланиши ҳамда қон кетувчи яраларида қўллаш имкониятни кенгайтириб беради. Таклиф қилинган усул эндоскопни киритиш, назорат остида шикастланиш юзасини тозалашни ва яра нуқсани юзасига препарат таркибини сепишни ўз ичига олади. «Гепроцел» субстанцияси (пахтали целлюлозадан ишлаб чиқилган композицион полимер материал) эндоскопнинг ишчи канали орқали ўтказиладиган катетердан ташкил топган етказиш мосламаси ёрдамида қон кетиш белгилари билан шикастланган яра юзага кукун шаклидаги «Гепроцел» моддаси ишлатилади. Таъкидлаш жоизки, ярадан актив қон кетганда эндоскопик йул орқали адреналин ёки спирт эритмасини билан коагуляцион ёки инфилтратион усулни қўллаш билан комбинацияланган эндоскопик даво усули олиб борилган. Барча ҳолатларда бирламчи гемостазга эришишга муваффақ бўлинган. Кейин яра нуқсони юзасига гемостатик моддани аппликацияси олиб борилди. Энг яқин аналог билан таққосланган таҳлил кўрсатишича, «Гепроцел» субстанцияси (пахтали целлюлозадан ишлаб чиқилган композицион полимер материал) эндоскопнинг ишчи канали орқали ўтказилган катетердан ташкил топган етказиш мосламаси ёрдамида қон кетиш белгилари билан шикастланган яра юзага кукун шаклидаги «Гепроцел» моддаси шикастланган жойдан 1,0 см масофада 300 мг гача миқдорда яра юзасига сепилиши билан фарқланади. Етказиб бериш мосламаси. эндоскопнинг ишчи каналига жойлаштирилган алоҳида ажралувчи пурковчи катетердан иборат бўлиб, проксимал қисмида манжетка билан таъминланган. (3-расм).



3-расм. Эндоскоп каналига ўрнатилган мосламанинг ташқи кўриниши ва чизмаси

Усул қуйидагича амалга оширилди: Бемор ёнбош ётган ҳолатда фиброгастродуоденоскопия ўтказилиб қон кетиш белгиларини аниқланганда, дистилланган сув ёки физиологик эритма билан жароҳат юзаси ювилади. «Гепроцел» гемостатик препаратнинг талаб қилинган миқдорини аниқлаб, эндоскоп ишчи каналига махсус мослама ва катетердан иборат етказиб берувчи мослама киритилади, жароҳат юзасига шикастланган жойдан 1,0 см масофада 100-300 мгдан препарат сепилади.

Эндоскопик кузатиш шуни кўрсатдики, «Гепроцел» кукунсимон гемостатик препарат сепилганидан кейинроқ яра нуқсони юзасида 1-2 мм қалинликда қатлам ҳосил бўлиб тромб шаклланиши туфайли қон кетиш тезда тўхтатилди. 46 та ҳолатда актив қон кетишда комбинациялашган усул: дастлаб актив қон кетиш инъекцион усул билан бартараф қилинди, кейин маҳаллий полимер аппликацияси ўтказилди (4-5-расмлар). Қон кетиш тўхтаган 221 нафар ҳолатда фақат таклиф қилинган усулдан фойдаланилган.



Ўн икки бармоқли ичак яра нуқсонидан қон кетиш



Ўн икки бармоқли ичак яра нуқсони соҳаси кукун шаклидаги «Гепроцел» гемостатик препарат инфузиясидан кейин қон кетишни тўхтатиши

4-расм. Эндоскопик кўриниш



Актив қон кетиш



Қон кетиш тўхтагандан кейин «Гепроцел» пневмоинфузияси



**Инсуффляциядан кейин
3 дақиқа ўтгач**



**Инсуффляциядан кейинги
учинчи кун**

5-расм. Ўн икки бармоқли ичак ярасидан қон кетишни эндоскопик кўриниши

Шундай қилиб, ошқозон ва ўн икки бармоқли ичакнинг ўткир геморрагик шикастланишини эндоскопик даволаш усули «Гепроцел» субстанцияси асосидаги препаратни эндоскопнинг ишчи канали орқали ўтказилган махсус етказиб бериш ускунаси орқали эндоскопик пневмоинсуффляциясига асосланган.

Диссертациянинг «Гастродуоденал қон кетишда эндоскопик гемостазнинг қиёсий натижалари» деб номланган тўртинчи бобида тадқиқотнинг клиник қисми берилган. Ўн икки бармоқли ичак шиллиқ қаватининг эрозив ярали шикастланиши ва ярасидан актив қон кетишда назорат гуруҳида қон кетишнинг эрта қайталаниши эндогемостаз олиб борилган гуруҳда 36 беморнинг 3 нафарида (8,3%) аниқланган. Қон кетиш тўхтагандан кейинги ҳолатда қайталаниш 182 ҳолатдан 18 та ҳолатида (9,9%) кузатилган. Қоидага кўра, бу қайталанишлар дастлабки уч кунда келиб чиқди. «Гепроцел» субстанцияси аппликациясининг таклиф қилинган усулида асосий гуруҳда қайталаниш частотасини 3,1% га камайдигани (32 беморнинг 1 нафарида), актив қон кетишда эндогемостаз ўтказилган гуруҳда 1,9% (188 беморнинг 3 нафарида) камайдиганини, қон кетиш тўхтатилган гуруҳда бу йиғинди назорат гуруҳига нисбатан ишончли яхшиланганлиги кузатилди ($\chi^2=9,996$; $df=2$; $p=0,007$).

Ошқозон шиллиқ қаватининг эрозив ярали шикастланиши ва яраларидан қон кетишда таклиф қилинган усулнинг ижобий имкониятларини кўрсатди. Назорат гуруҳида қон кетишнинг эрта қайталаниши актив қон кетишда эндогемостаз олиб борилган 12 нафар беморнинг 1 (8,3%) нафарида ва қон кетиш тўхтаган консерватив даво олиб борилган 60 нафар беморнинг 4 (6,7%) нафарида аниқланди. Ўз навбатида, асосий гуруҳда эндогемостаздан кейин қайталанишлар ҳолати кузатилмади, аппликациядан кейин қон кетиш тўхтаган 65 нафар беморнинг 1 (1,5%) нафарида аниқланди. Умуман олганда, гуруҳлар бўйича қайталанишлар назорат гуруҳидан 26 та (9,0%) ҳолатда ва асосий

гурухдан 5 та (1,9%) ҳолатда аниқланди. Қайталанишларсиз мос ҳолатда 264 нафар (91,0%) ва 262 нафар (98,1%) беморларда кузатилди ($\chi^2=13,306$; $df=1$; $p<0,001$).

Қон кетишнинг дастлабки фаоллигига боғлиқ геморрагик синдромнинг қайталаниши 3-жадвалда берилган.

3-жадвал

Қон кетишнинг фаоллигига боғлиқ қайталаниш частотаси

| Қон кетиш фаоллиги | Асосий гуруҳ | | | Назорат гуруҳи | | |
|-----------------------|--------------|---------|------|----------------|---------|-------|
| | сони | рецидив | % | сони | рецидив | % |
| Дуоденал қон кетиш | | | | | | |
| Forrest I | 25 | 1 | 4,0% | 28 | 5 | 17,9% |
| Forrest II | 153 | 3 | 2,0% | 180 | 16 | 8,9% |
| Forrest III | 10 | 0 | 0,0% | 10 | 0 | 0,0% |
| Ошқозондан қон кетиш | | | | | | |
| Forrest I | 14 | 1 | 7,1% | 13 | 2 | 15,4% |
| Forrest II | 63 | 0 | 0,0% | 55 | 3 | 5,5% |
| Forrest III | 2 | 0 | 0,0% | 4 | 0 | 0,0% |

Умуман олганда, назорат гуруҳида Forrest I бўйича қайталаниш улуши 17,1% (41 нафардан 7 нафари), асосий гуруҳда 5,1% (39 беморнинг 2 нафари), Forrest II да 8,1% (235 беморнинг 19 нафари) ва 1,4% (216 беморнинг 3 нафари) ҳолатда кузатилди ($\chi^2=13,753$; $df=3$; $p=0,004$).

Мазкур олинган натижалар ярали нуқсон юзасида «Гепроцел» аппликацияси ҳисобига гемостатик самарани яхшилабгина қолмай, балки адгезив хусусиятли ҳимоя пленкасининг шаклланиши сабабли ярани қонашига хавф солувчи омиллар таъсирини камайтирди, яъни барьер вазифасини таъминлади.

Қайталаниш хавфининг пасайиши ярали қон кетишни жарроҳлик билан даволаш заруратига ҳам таъсир қилди. Назорат гуруҳида қон кетишнинг барча манбаларида эндогемостаздан кейин 2 нафар (4,2%) бемор, консерватив даволашдан сунг яна 17 нафар (7,0%) бемор, жами 19 нафар (6,6%) беморда ташриҳ олиб борилди.

Асосий гуруҳда қон кетиш тўхтаган ва гемостатик препарат қўлланилган гуруҳда фақат 3 нафар (1,4%) беморда ташриҳ олиб борилган, гуруҳлар бўйича жарроҳлик билан даволаш улуши 1,1% ни ташкил қилди ($\chi^2=10,961$; $df=2$; $p=0,005$). Эндогемостаз олиб борилган гуруҳда ўлим ҳолати аниқланмади, консерватив даводан сўнг назорат гуруҳидан 5 нафар (2,1%) ва асосий гуруҳдан 2 (0,9%) нафар беморда ўлим ҳолати кузатилди.

Амалга оширилган даволаш усулини тўлиқ баҳолаш учун яра жараёни тикланиш динамикаси қўшимча ўрганилди. Ҳар иккала гуруҳда даволашнинг 3-5 кунларидаги қайта эндоскопик кўрув вақтида нуқсонлар ўлчамидан катъий назар унинг ишончли кичрайгани аниқланди (4-5-жадваллар).

4-жадвал

Асосий гуруҳ динамикасида яра нуқсонининг ҳажми ($M \pm \sigma$)

| Яра ҳажми (см) | N | Даволанишгача ўлчами | 3-5 кунлардаги ўлчами | $M_{d \pm \sigma_d}$ | t-меъзони | |
|----------------|-----|----------------------|-----------------------|----------------------|-----------|--------|
| | | | | | йиғинди | P |
| < 1,0 | 39 | 0,67±0,14 | 0,52±0,16 | 0,16±0,08 | 12,64 | <0,001 |
| 1,0 - 1,9 | 166 | 1,39±0,23 | 0,97±0,42 | 0,42±0,12 | 41,07 | <0,001 |
| 2,0-2,9 | 47 | 2,36±0,18 | 1,70±0,27 | 0,67±0,15 | 28,55 | <0,001 |
| > 2,9 | 15 | 3,20±0,17 | 2,20±0,31 | 1,00±0,39 | 8,20 | <0,001 |
| Ўртача | 267 | 1,52±0,64 | 1,07±0,48 | 0,44±0,24 | 28,96 | <0,001 |


Изоҳ: M_d – ўртача фарқ; σ_d – фарқнинг стандарт оғиши

5-жадвал

Назорат гуруҳи динамикасида ярали нуқсон ҳажми ($M \pm \sigma$)

| Яра ҳажми (см) | N | Давола нишгача ўлчами | 3-5 кунлардаги ўлчами | $M_{d \pm \sigma_d}$ | t-меъзон | |
|----------------|-----|-----------------------|-----------------------|----------------------|-----------|--------|
| | | | | | Йиғиндиси | P |
| < 1,0 | 51 | 0,65±0,14 | 0,56±0,18 | 0,09±0,08 | 8,09 | <0,001 |
| 1,0 - 1,9 | 174 | 1,38±0,21 | 1,12±0,22 | 0,26±0,09 | 35,07 | <0,001 |
| 2,0-2,9 | 49 | 2,29±0,22 | 1,86±0,27 | 0,43±0,21 | 13,01 | <0,001 |
| > 2,9 | 16 | 3,14±0,16 | 2,58±0,26 | 0,52±0,32 | 5,67 | <0,001 |
| Ўртача | 290 | 1,45±0,63 | 1,19±0,52 | 0,26±0,17 | 24,02 | <0,001 |

Натижалар шуни кўрсатдики, ҳар иккала гуруҳда ҳам яра нуқсонининг ишончли кичрайгани аниқланди. Шунинг таъкидлаш жоизки, гуруҳлар ўртасида олинган таққосланган таҳлилда асосий гуруҳда тикланиш жараёнларнинг яхши ифодаланганлиги кузатилди ($p < 0,05$). Асосий гуруҳда яранинг ўртача ўлчами 1,52±0,64 дан 1,07±0,48 см га кичрайгани (динамика бўйича ўртача фарқ 0,44±0,24 смни ташкил қилди), назорат гуруҳида бу кўрсаткич 1,45±0,63 дан 1,19±0,52 га камайгани (ўртача фарқ - 0,26±0,17 см) кузатилди. Олинган натижалар кўрсатишича, консерватив даволашнинг бир хил тактикасида «Гепроцел» субстанцияси асосида тайёрланган маҳаллий полимер материал фойдаланганда ҳосил бўлган плёнка пролонгирланган ҳимоя хусусияти ҳисобига репаратив жараёнларни яхшиланишини таъминлади. Даволашнинг умумий натижалари 6-расмда берилган.



6-расм. Касаллик қайталаниши натижаси ва ўлим сабаблари бўйича беморларнинг тақсимланиши

Ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак шиллиқ қаватининг ярали эрозив шикастланишидан қон кетишда тактик-техник томонларини такомиллаштириш даволашнинг госпитал босқичи давомийлигига таъсир қилди. Эришилган гемостазга нисбатан мутлоқ самара билан яра касалликлари учун хос бўлган белгиларни пасайиши, эндогемостаз олиб борилган гуруҳда стационар даволаш босқичини назорат гуруҳида $6,5 \pm 1,5$ кундан асосий гуруҳда $4,9 \pm 1,4$ кунга ($t=5,32$; $p<0,05$), беморларни консерватив парваришда $5,7 \pm 1,3$ кундан $4,1 \pm 1,6$ кунга ($t=11,31$; $p<0,05$) ва умуман гуруҳлар бўйича $5,8 \pm 1,4$ кундан $4,2 \pm 1,6$ кунга қисқартиришга имкон берди ($t=12,22$; $p<0,05$). Таклиф қилинган усулдан олинган имкониятлар қон кетиш билан асоратланган ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак яра касалликлари, шунингдек шиллиқ қаватнинг эрозив ярали шикастланиши ургент жарроҳлигида фаол қўллаш учун тавсия қилиш имконини беради.

ХУЛОСА

1. Тавсия этилган усул ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак шиллиқ қаватининг қон кетиш билан асоратланган яраси ва ярали эрозиясида плёнка ҳосил қилувчи "Гепроцел" маҳаллий моддасини эндоскоп каналига ўрнатилган махсус етказиб бериш мосламаси орқали яра нуқсонига назорат остида киритиш ва жойлаштириш билан тавсифланади.

2. Ўтказилган экспериментал тадқиқот шуни кўрсатдики, маҳаллий кукукли гемостатик восита "Гепроцел" кислотали муҳитда гемостатик хусусиятларни кучайтириш қобилиятига эга, ярали нуқсонга маҳкам ёпишади ва қон кетишини самарали тўхтатади, ҳосил булган плёнкаси эса ошқозон ва

ўн икки бармоқли ичакнинг шиллиқ қаватининг яраси ва ярали эрозиясидан ажралмайди.

3. Клиник амалиётда тавсия этилаётган эндоскопик гемостаз усулининг самарадорлигини истиқболли ўрганиш шуни кўрсатдики, “Гепроцел” препарати яра нуқсони устидан қўллаш геморрагик синдромнинг кейинги қайталанишини 9,0% дан 1,9% гача камайтиради ($p < 0,001$).

4. Маҳаллий композицион материалдан фойдаланиш нафақат гастродуоденал қон кетишини эндоскопик даволашнинг гемостатик самарадорлигини оширишга имкон берди, балки плёнка ҳосил қилиб узок муддатли химоя хусусияти туфайли янада аниқ репаратив таъсирни ($p < 0,05$) таъминлади, асоратсиз беморлар улушининг 90,7% дан 97,8% гача кўпайишида ($p < 0,001$) ва касалхонада даволаниш муддатининг $5,8 \pm 1,4$ дан $4,2 \pm 1,6$ гача камайишида намоён бўлди ($p < 0,001$).

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.04/30.12.2019.Tib.93.01 ПРИ АНДИЖАНСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ МЕДИЦИНСКОМ ИНСТИТУТЕ ПО
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ**

**АНДИЖАНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ МЕДИЦИНСКИЙ
ИНСТИТУТ**

КАРАБОЕВ БЕКЗОДБЕК БАХОДИРОВИЧ

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ТЕХНОЛОГИИ ЭНДОСКОПИЧЕСКОГО
ГЕМОСТАЗА ПРИ ГАСТРОДУАДЕНАЛЬНЫХ КРОВОТЕЧЕНИЯХ**

14.00.27 – Хирургия

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

АНДИЖАН – 2022 год

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистана №B2021.2.PhD/Tib1971

Диссертация выполнена в Андижанском государственном медицинском институте.

Автореферат диссертации на двух языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.adti.uz) и Информационно-образовательном портале «Ziynet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:

Хакимов Дилшодбек Мамадалиевич
доктор медицинских наук

Официальные оппоненты:

Ботиров Акрам Кодиралиевич
доктор медицинских наук

Маткулиев Уткир Исмаилович
доктор медицинских наук, доцент

Ведущая организация:

Самаркандский государственный
медицинский институт

Защита диссертации состоится « 11 » сентября 2022 г. в « 13 » часов на заседании Научного совета по присуждению ученых степеней PhD.04/30.12.2019.Tib.95.01 при Андижанском государственном медицинском институте (Адрес: 170100, Республика Узбекистан г.Андижан, улица Ю.Отабекова, 1. Тел / факс: (+998) 74-223-94-50, e-mail: info@adti.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Андижанского государственного медицинского института (зарегистрирована № 9) (Адрес: 170100, Республика Узбекистан г.Андижан, улица Ю.Отабекова, 1. Тел / факс: (+998) 74-223-94-50).

Автореферат диссертации разослан « 03 » сентября 2022 года
(Реестр протокол рассылки № 9 от « 03 » 04 2022 года)



М.М. Мадазимов

Председатель Научного совета по присуждению
ученых степеней, доктор медицинских наук, доцент

М.Ф. Нишанов

Ученый секретарь Научного совета по
присуждению ученых степеней, доктор
медицинских наук, доцент

Н.С. Мамасолиев

Председатель научного семинара при Научном
совете по присуждению ученых степеней,
доктор медицинских наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. По данным Всемирной организации здравоохранения «язвенная болезнь желудка (ЯБЖ) и двенадцатиперстной кишки (ДПК) считается одним из самых распространенных заболеваний в мире и в среднем верифицируется у 5-10% людей в общей популяции населения»¹. За последние десятилетия достигнуты определенные успехи в лечении этой патологии, однако даже «несмотря на резкое снижение заболеваемости, частоты госпитализации и смертности, различные осложнения все еще встречаются у 10–20% пациентов с язвенной болезнью. Среди всех осложнений гастродуоденальных язв на сегодняшний день наиболее распространенным является кровотечение, ежегодная частота которого колеблется в общей популяции в диапазоне от 0,02 до 0,06% с показателем 30-дневной смертности до 8,6%»². В лечении этой категории пациентов задействуются специалисты различного профиля, включая хирургов, гастроэнтерологов и реаниматологов, в свою очередь основной диагностический приоритет отводится эндоскопической службе. Именно эндоскопическое вмешательство обеспечивает не только топическую диагностику кровотечения язвенной этиологии, но и в большинстве случаев является первичным методом его лечения. «В настоящий период эндоскопические вмешательства позволяют выполнить различные варианты гемостаза, включая химический, механический и физический методы. Выбор того или иного способа зависит от таких факторов как опыт эндоскописта, оснащение специализированными расходными материалами и др.»³. Однако, при всех преимуществах этих малоинвазивных технологий, по-прежнему сохраняет актуальность вопрос о выборе способа гемостаза и его сравнительной эффективности в плане профилактики рецидива геморрагического синдрома, что обуславливает продолжение исследований в этом направлении с разработкой новых методик и их комбинированное применение для улучшения результатов эндоскопического лечения.

В мировой практике в настоящее время наиболее актуальными продолжают оставаться исследования по уточнению этиопатогенетических аспектов развития эрозивно-язвенного процесса в верхнем отделе желудочно-кишечного тракта, изучению специфических особенностей влияния на защитный и терапевтический потенциал пищевых полифенолов и других субстратов, обеспечивающих опосредованное улучшение процессов цитопротекции, реэпителизации, неоваскуляризации и ангиогенеза. Особый интерес продолжают вызывать исследования по верификации состояния факторов роста ткани и простагландинов, антиангиогенных факторов, а также патогенетические аспекты влияния на течение и заживление язвенного

¹Lanas A, Chan FKL. Peptic ulcer disease. Lancet. 2017;390:613–624. doi: 10.1016/S0140-6736(16)32404-7.

²Leow AH, Lim YY, Liew WC, Goh KL. Time trends in upper gastrointestinal diseases and *Helicobacter pylori* infection in a multiracial Asian population--a 20-year experience over three time periods. Aliment Pharmacol Ther. 2016;43:831–837.

³Tarasconi A, Coccolini F, Biffl WL, et al. Perforated and bleeding peptic ulcer: WSES guidelines. World J Emerg Surg. 2020;15:3. Published 2020 Jan 7. doi:10.1186/s13017-019-0283-9.

процесса эндотелиальной NO-синтазы, подавления окислительного повреждения слизистой оболочки, усиления антиоксидантной, антацидной и антисекреторной активности, увеличения эндогенных защитных агентов слизистой оболочки и блокирование колонизации *Helicobacter pylori*.

В настоящее время в нашей стране предпринимаются масштабные целевые меры в области здравоохранения по коренному улучшению качества и существенному расширению диапазона оказываемой населению медицинской помощи. В этом направлении, в частности, в улучшении результатов лечения гастродуоденальных кровотечений язвенного генеза достигнуты положительные результаты. Вместе с тем для улучшения качества оказываемой помощи требуются научно-обоснованные результаты по оценке эффективности предпринимаемой лечебной тактики и совершенствованию методик эндоскопического гемостаза у больных с этой патологией. В стратегию действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан на 2017 - 2021 годы» поставлены задачи по развитию и усовершенствованию системы медико-социальной помощи уязвимым категориям населения для обеспечения их полноценной жизнедеятельности⁴. В соответствии с этим, улучшение результатов эндоскопического гемостаза при гастродуоденальных кровотечениях язвенной этиологии путем использования нового биосовместимого имплантата является одним из актуальных направлений для исследования.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, утвержденных Указом Президента Республики Узбекистан «О комплексных мерах по коренному совершенствованию системы здравоохранения Республики Узбекистан» за №УП-5590 от 7 декабря 2018 года, Постановлениями Президента Республики Узбекистан «О мерах по дальнейшему развитию специализированной медицинской помощи населению Республики Узбекистан на 2017-2021 годы» за №ПП-3071 от 20 июня 2017 года и «О мерах по ускоренному совершенствованию системы экстренной медицинской помощи» за №ПП-3494 от 26 января 2018 года, а также других нормативно-правовых документов, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики VI «Медицина и фармакология».

Степень изученности проблемы. Несмотря на то, что в последнее время наблюдается общая тенденция к снижению заболеваемости ЯБЖ и ДПК, осложнения этой патологии в виде кровотечения, перфорации и стеноза привратника остаются актуальной проблемой современного здравоохранения. Так, эти осложнения являются причиной почти 150000 госпитализаций в Соединенных Штатах ежегодно (Kempenich J.W., Sirinek K.R., 2018)⁵. В свою очередь именно кровотечение является наиболее распространенным

